

**Хидиров Хошим Ибодуллаевич**  
**Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**  
**Жиззах политехника институти**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СТРАТЕГИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ, АМАЛГА ОШИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш стратегияси, уни амалга ошириш усуллари ва тактикаси, коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти тўғрисида сўз боради.

**Калит сўзлар:** БМТ, коррупция, коррупцияга қарши курашиш Агентлиги, тактика, стратегия, ҳуқуқий механизм, очиқлик, шаффофлик.

**Khidirov Khoshim Ibodullaevich**  
**Teacher of the Department of Social Sciences**  
**Jizzakh Polytechnic Institute**

**ANTI-CORRUPTION STRATEGY: THE EXPERIENCE OF  
UZBEKISTAN, IMPLEMENTATION MECHANISMS**

**Annotation:** This article will talk about the strategy of combating corruption in our country, the methods and tactics of its implementation, the creation of an anti-corruption agency, the importance of the adopted regulatory legal acts to combat corruption.

**Keywords:** UN, anti-corruption, anti-corruption agency, tactics, strategy, legal mechanism, openness, transparency.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш стратегияси ва тактикаси ўртасидаги фарқ фаолият кўлами ва фаолият кўрсатадиган вақт оралиғида намоён бўлади. Бунда нотўғри танланган тактика - бу йўқолган кун, нотўғри танланган стратегия эса - бу йўқолган йил демакдир.

Коррупцияга қарши курашиш стратегиясининг самарадорлигини ошириш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан янада такомиллаштириб боришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Коррупцияга қарши курашнинг самарадорлигига эришишнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган модели ишлаб чиқиши. Унда коррупцияга қарши курашишнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда ҳолис ва шаффоф баҳолаш тизими аниқ қонунчиликда мустаҳкамланиши; қонунчиликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий ва иқтисодий ҳамда ижтимоий элементлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш.

2. Коррупцияга қарши курашиш стратегиясида инновацион ёндашувни самарали қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Бу Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш бўйича моддаларини мукамал ишлаб чиқиш ҳамда коррупцияни келтириб чиқараётган ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва коррупцияни олдини олишга қаратилган дастурларни таъминлашга хизмат қилади.

3. Коррупцияга қарши курашишни жамиятнинг ижтимоий соҳаларида хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларида янада кучайтириш учун коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни барҳам беришга қаратилган дастурлар ижросини барча соҳаларда таъминлаш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш асосида халқаро ҳужжатларда назарда тутилган стандартларни қонунчиликда мустаҳкамлаб бориш. Бу эса мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда яхши натижаларга эришиш имкониятини яратади.

4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини ижросини жамиятда таъминланиши ва бу борада тизимли мониторинг қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизмнинг ислоҳотлар талаблари даражасида ишлаб чиқиш. Бу давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш даражасининг талаб даражасидан пастлигини ошқор қилиш, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда таъминланиши ижтимоий адолатни ўрнатишга хизмат қилади.

5. Коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш. Бу фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш масаласига нисбатан дахлдорлик ҳиссини, масъулиятини оширишга, улар томонидан бу иллатга қарши қилинаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга ишончли далил бўлишига имкон яратиб беради.

6. Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларини ташкил этишда жамият аъзолари бўлган фуқароларимизни фаол иштирокини кучайтириш. Бу фуқароларнинг коррупцияга тегишли бўлган маълумотларни ўрганиш имкониятини яратиш, коррупцияга оид муаммоларни жамоатчилик назоратини таъминлашнинг изчил тизимини яратиш ва ҳаётга тадбиқ қилишнинг оптимал тактик вариантларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

7. Коррупцияга қарши курашишда ҳар бир соҳанинг хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш. Бу коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган янги инновацион усуллари ишлаб чиқиш ва қўллаш, коррупция ҳолатларини экспертизадан ўтказиш, мониторинг қилиш ва адолатли баҳолашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш жамиятни қонуний ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «... афсуски, жамиятимизда коррупция иллоти турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олди олинмса, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди». Шунинг

учун «Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислари жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак», – бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Khidirov, K. I., & Gofurova, S. S. (2021). The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption. *Scientific progress*, 2(1), 121-124.
2. Ibodullaevich, K. K., & Bakhromovna, T. D. The United Kingdom has a special textbook for detecting facts of corruption.
3. Ismatovich, M. S., & Ibodullaevich, K. K. (2022). Preventing Corruption Methods and Means. *Eurasian Scientific Herald*, 8, 66-68.
4. Ibodullaevich, K. K. (2022). Causes of Corruption, Socio-Political Consequences. *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences*, 1(1), 1-4.
5. Botir, U., & Ibodullaevich, K. K. (2022). Causes of Corruption, Socio-Political Consequences. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 8, 37-40.
6. Ibodullaevich, K. K. (2022, April). In the fight against justice and corruption as an effective road. In *E Conference Zone* (pp. 370-372).
7. Melikuzievich, K. P., & Ibodullaevich, K. K. (2022, March). Moral perfection-anti corruption the spiritual basis of struggle. In *E Conference Zone* (pp. 86-88).
8. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022, March). A JUST LEADER IS THE BASIS OF SOCIETY. In *E Conference Zone* (pp. 59-61).
9. Ibodullaevich, K. K., & Bahromovna, T. D. (2022). “Philosophical Paradigms in The Fight Against Corruption Today: Problems and Solutions. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 160-164.
10. Ibodullaevich, K. K., & Mahmatkobil, O. (2022). “Electronic System”-Estonia Is Among the Leaders in The Fight Against Corruption. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 5, 152-155.

11. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
12. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
13. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
14. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
15. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
16. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
17. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
18. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
19. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
20. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
21. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
22. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.